



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 28.06.2022 г. № 2022-339-4-57-ОВ

между "YANGI HAYOT SIFAT QURILISH" МЧЖ и Дехконобод туман ободонлаштириш бошкармаси на общую сумму 469499400,00

Глава  
Казначейский лицевой счёт

110  
401722860102127065200110010

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь	469 499 400,00			469 499 400,00
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>469 499 400,00</b>			<b>469 499 400,00</b>

Всего 469499400,00 сум

Четыреста шестьдесят девять миллионов четыреста девяносто девять тысяч четыреста сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 140849820,00 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации;

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан назначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва ҳаржат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



Буюртмачи бос бухгалтери

Фазначилик бўлинмасининг  
ходими кабул килди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Химматов Жовли Холбутаевич

Ф.И.Ш.

(имзо)

Абдулазизов Шерали Баймуратович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими  
қабул килди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.



Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус а парталида  
жойлаштирилган 19.06.2022 йилдан 23.06.2022 йилгача  
лот 105520 ракамли энг яхши таклифни танлаш юзасидан танлов ўтказиш  
тўғрисидаги эълон натижаси бўйича

(Жорий таъмирлаш бўйича)

2022 й. «28» 6

2022-339-4-57-ОВ-сон

Дехқонобод туман.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Дехқонобод туман Ободонлаштириш бошқармаси Дехқонобод тумани Завқий МФЙ ахоли томорқаларини оқова сув билан таъминлаш бўйича раҳбар Ж.Химматов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «Янги хаёт сифат қурилиш» маъсулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида раҳбари У.Аҳмедов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича Пудратчи, Буюртмачининг Дехқонобод тумани Завқий МФЙ ахоли томорқаларини оқова сув билан таъминлаш ишларини лойиҳа смета ҳужжатлари асосида бажаришни, буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

## 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1 Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳа смета ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг баҳоси 469 499 400 (Тўрт юз олтмиш тўққиз миллион тўрт юз тўқсан тўққиз минг тўрт юз) сўмни ташкил қиласди.

2.2 Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.3 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3. ПУДРАТЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимидаги назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни 100% ни ўзининг кучлари билан

бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 30 кунда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул килиш тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

3.2 Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

- қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

3.3 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

3.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

#### 4. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- шартномага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

4.2. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## 5. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 469 499 400 сўмни ташкил килади.

5.2. Ушбу шартнома Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичиде Буюртмачи таъмирлаш ишларини бошлаш учун Пудратчига мазкур шартнома нархининг 30% ёки 140 849 820 (Бир юз миллион саккиз юз қирқ тўққиз минг саккиз юз йигирма) сўм аванс тариқасида маблағни кўчиради.

Буюртмачи тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

5.4. Пудрат ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ортиқ бажарилган ишлар учун Буюртмачи томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 6. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР.

6.1. Таъмирлаш ишларининг бошланиши 30 июнь 2022 йил.

6.2. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти 30 июль 2022 йил.

6.3. Шартномадаги 5.2 бандида кўрсатилган авансни Пудратчи олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди.

6.4. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

6.5. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

6.6. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.

6.7. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 6.1 ва 6.2-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

6.8. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

6.9. Буюртмачи томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида Пудратчи томонидан харид қилинган қурилиш материалларни тақдим қилиши мумкин.

6.10. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

6.11. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар. конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

6.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишида хабардор қиласди.

6.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

6.14. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

6.15. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ худудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

6.16. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар туталлангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган

ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг

ишдан чиқиши тұғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мүмкін бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қиласи. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини ўз зиммасига олади.

6.17. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6.18. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

6.19. Пудратчи, буюртмачи томонидан тузилган шартномада кўрсатилган таъмирлаш ишлари бажаришда, ўзининг техникасидан фойдаланади. Техника харажатлари пудратчи ҳисобидан қопланади.

6.20. Агар Пудратчи шартномада кўрсатилмаган ёки ўзбошимчалик билан объектда смета лойиха хужжатларида кўрсатилмаган қўшимча иш бажарса, инобатга олинмайди.

6.21. Пудратчи объектни таъмирлаш жараёнида, эски яроқли олинган қурилиш материалларини буюртмачини чакириб, далолатнома тузиб, буюртамачига топширади.

6.22. Пудратчи ўз ҳисобидан ишчи хизматчиларни келиб кетишини таъмирлайди.

6.23. Пудратчи ўзига топширилган ишни ўз вақтида бажариши, шунингдек таъмирлаш ишлари каталог лойиха смета хужжатлари, калькуляция ва бошқа баҳолаш хужжатлари белгиланган турлари бўйича қурилиш таъмирлаш нормаларига асосан буюртмачига топшириши шарт.

## 7. ИШЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ

7.1. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

7.2. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## 8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажариласлиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосига таъсир этса томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича

мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## 9. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг 9 бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## 10. КАФОЛАТЛАР

### 10.1. Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, фойдалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Ўзи томонидан таъмирлаш учун кулланиладиган қурилш материаллари, асбоб-ускуналар бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатлари кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлиги;

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

Объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

10.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этишга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, ушбу кафолат муддатти нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналар мазкур шартноманинг 12-бўлимда назарда тутилган миқдоргacha бўлган суммани кафолат сифатида Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

10.3. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши “Давлатархитектурақурилишназорат” органи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

Жорий тъмирлаш ишлари қабул қилиб олиш далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади.

## 11. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 11.1 Буюртмачи:

Шартнома кучга киргандан кейин тъмирлаш ишлари бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп муддатда кечиктирилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари бузилганда, шунингдек қурилиш меъёрлари ва қоидалар ишларнинг сифатни пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

### Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

11.2. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўйим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 12. ТОМОНЛАРНИИГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистан Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.3. Пеня тўйинни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

12.4. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортгандиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши раб этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.5. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеняning умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.6. Буюртмачини томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаслини учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида исчора тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

12.7. Пеня тўйини Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечинани туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

12.8. Агар батсаннини ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва кўнгликларига, шинчи ҳужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курчани соҳасида назорат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни кабуллаштира олиниг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек

Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ундириш хукуқига эга.

12.9. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

12.10. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### 13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ.

13.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан Иқтисодий судларида ҳал этилади.

### 14. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

14.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

14.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

14.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳаклиdir.

14.6. Шартнома амал килиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

14.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

14.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

14.9. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

15.ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**Б У Ю Р Т М А Ч И**

Дехқонобод туман  
Ободонлаштириш бошқармаси  
Қарашина шахарчаси  
ШХР: 401722860102127065200110010  
СТИРи 206953592 ОКОНХ 90211  
Дехқонобод тумани бўйича  
Ғазначилик Булинмаси  
Ғазна X/B 23402000300100001010  
Банк: Тошкент Марказий банк  
Ғазначилик булинмаси  
СТИРи 201122919 МФО:00014  
Бошлик:



**П У Д Р А Т Ч И**

Янги ҳаёт сифат қурилиш майсулияти  
чекланган жамияти  
Қарши шаҳар, Шодлик кўчаси, 23 уй  
Х/Р : 20208000300897632001  
Банк: “Инфин банк” Қашқадарё филиали  
МФО: 01135  
ИНН: 305635606



Рахбар:

У.Аҳмедов

Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani Zavqiy MFY axoli tomorqalarini oqova suv bilan taminlash ishlarini loyixa smeta hujjatlari asosida bajarish uchun tuzilgan pudrat shartnomasiga

## HUQUQSHUNOS XULOSASI

27-iyun 2022-yil

Dehqonobod tuman

Men Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsul'ti M.Hayitov O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagи "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunining 21-moddasiga asoslanib, Dehqonobod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va "Yangi xayot sifat qurilish" masuliyati cheklangan jamiyati o'rtasida tuzilgan shartnomasini yuridik ekspertizadan o'tkazib, quyidagilarni

### Aniqladim:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 631-655-moddalari talabiga, shuningdek, ushbu kodeksning 666-685-moddalari hamda O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagи "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunining talablariga to'liq javob beradi. Ushbu turdagи shartnoma O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksining 631-655-moddalari hamda 666-685-moddalari bilan tartibga solinadi. Shartnoma matni O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonlari va boshqa me'yoriy xujjatlar talabiga mos keladi.

### Xulosa

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yuridik xizmat ko'rsatish

markazi bosh yuristkonsul'ti:



M.Hayitov

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 105520 на приобретение Завкий МФЙ ахоли томоркаларни окова сув билан таъминлаш**

Способ проведения электронный

Дата 24.06.2022

Время рассмотрения 24.06.2022 12:36

Конкурсная комиссия Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	Химматов Жовли Холбутаевич	Рахбар	Курилиш комиссия раиси
<b>Секретарь комиссии</b>	XOLBOYEV SHURXAT XOJIMURATOVICH	Иктисадчи	Курилиш комиссия аъзолари
<b>Член комиссии</b>	ABDULAZIZOV SHERALI BAYMURATOVICH	Bosh xisobchi	Qurilish komissya azolar
<b>Член комиссии</b>	DO'SMATOVA HUSNIYA NORMENGLIYEVNA	Taminotchi	qurilish komissya azolari
<b>Член комиссии</b>	JABBOROV JAVOHIR ABULQOSIMOVICH	Технадзор	Курилиш комиссия аъзолари
<b>Член комиссии</b>	JONIMKULOV SODIK KARIMOVICH	бош мухандис	Курилиш комиссия аъзолари

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.06.2022 года № лота 105520.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 84

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Работы строительные по монтажу водосточных труб
Подробное описание	Завкий МФЙ ахоли томоркаларни окова сув билан таъминлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	484 020 000.00
Стартовая сумма	484 020 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Объектнинг даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHAXRISABZ YASHIL DIYOR	20	Устав, Гувоҳнома,	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		паспорт				
XXI ASR SHAXJAXON XK	20	474339600	18	Экспертная		
DILBEK QURILISH-SERVIS XK	20	479179800	18	Экспертная		
YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ	20	469499400	20	Экспертная		

Критерий №2 Курилиш пудрат ташкилотнинг рейтинг тизимида руйхатда булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш пудрат ташкилотнинг рейтинг тизимида руйхатда булиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHAXRISABZ YASHIL DIYOR	50	Рейтинг	40	Экспертная		
XXI ASR SHAXJAXON XK	50	474339600	25	Экспертная		
DILBEK QURILISH-SERVIS XK	50	479179800	35	Экспертная		
YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ	50	469499400	48	Экспертная		

Критерий №3 Техникалари ва малакали мутахассислар мавжуд булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Техникалари ва малакали мутахассислар мавжуд булиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHAXRISABZ YASHIL DIYOR	20	Техника ва мутахассислар	19	Экспертная		
XXI ASR SHAXJAXON XK	20	474339600	18	Экспертная		
DILBEK QURILISH-SERVIS XK	20	479179800	18	Экспертная		
YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ	20	469499400	20	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этаётган курувчилар соликдан ва банк кредитидан карзи мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этаётган курувчилар соликдан ва банк кредитидан карзи мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHAXRISABZ YASHIL DIYOR	20	маълумотнома	19	Экспертная		
XXI ASR SHAXJAXON XK	20	474339600	18	Экспертная		
DILBEK QURILISH-SERVIS XK	20	479179800	18	Экспертная		
YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ	20	469499400	20	Экспертная		

Критерий №5 Курилиш ишлари сифатли ва уз вактида бажарилиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш ишлари сифатли ва уз вактида бажарилиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHAXRISABZ YASHIL DIYOR	20	кафолат хати	19	Экспертная		
XXI ASR SHAXJAXON XK	20	474339600	18	Экспертная		
DILBEK QURILISH-SERVIS XK	20	479179800	18	Экспертная		
YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ	20	469499400	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
DILBEK QURILISH-SERVIS XK	484 020 000.00	479 179 800.00	22.06.2022 14:38:56	19.60
XXI ASR SHAXJAXON XK	484 020 000.00	474 339 600.00	22.06.2022 14:13:32	19.80
ООО SHAXRISABZ YASHIL DIYOR	484 020 000.00	483 000 000.00	21.06.2022 20:13:18	19.44
YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ	484 020 000.00	469 499 400.00	22.06.2022 15:48:25	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
DILBEK QURILISH-SERVIS XK	65.8464	19.59596	85.44236
XXI ASR SHAXJAXON XK	59.692	19.79592	79.48792
ООО SHAXRISABZ YASHIL DIYOR	71.3848	19.44097	90.82577

<b>YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ</b>	78.1536	20	98.1536
--	---------	----	---------

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 105520 от 24.06.2022 года на приобретение Завкий МФЙ ахоли томоркаларни окова сув билан таъминлаш определила победителем:


**YANGI HAYOT SIFAT QURIL МЧЖ**  
305635606

и резервный исполнитель: OOO SHAXRISABZ YASHIL DIYOR (304046524)


Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	JONIMKULOV SODIK KARIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDULAZIZOV SHERALI BAYMURATOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	Химматов Жовли Холбутаевич	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	JABBOROV JAVOHIR ABULQOSIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subjekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilgанинг то	"YANGI HAYOT SIFAT QURILISH" Mas'uliyati chekniнgan jamiat
(Узбек тараси - тадбиркорлик субъектининг тасдиқ туруғы) шарий төсатиган болуп, төзиган	
Ushbu bilan Tadbirkorlik subjekti yangona davlat ro'yxatiga eтetti	"YANGI HAYOT SIFAT QURILISH" Mas'uliyati chekniнgan jamiat
05.07.2018	620336
(Сана, ой (602 таң), №)	
Tashkili etish (qayta tashkil etish, bosqiche ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlari ni o'zgartirish)	
Tashkili etish (qayta tashkil etish, bosqiche ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlari ni o'zgartirish)	
Sotilg' tolovchining idaruhikasiya raqam (STR): 305635606	
Tashkili-y-tugungi	
Shakli:	
Joylashegen joyi:	
Qashqaderiy o'liyot, Qarshi shahri, SHODLIN 23-Uy.	
Guvenhromma:	
XIZMATLARI MARKAZI	
Qashqaderiy o'liyot, Qarshi shahri, DAVLAT tomonind barlig'ini	
Rasmiy o'rzaqchi organizatsiya qurinishi	



## GUVONOMA